ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

Хомидова Фарангиз Сунаттиллаевна

**“Тижорат банклар томонидан кишлок хужалигини кредитлаш ва уни такомиллаштириш йуллари (ОАТБ Агробанк мисолида)”**

«Банк иши»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар
и.ф.н., Б. Насриев.

САМАРҚАНД – 2014 й.

*ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ОАТБ "АГРОБАНК" МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА)*

## МУАЛЛИФ АННОТАЦИЯСИ

**…нланган мавзунинг долзарблиги:** Қишлоқ хўжалигини кредитлаш …раёни тижорат банклари фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланиб, …нг самарадорлиги банклар молиявий барқарорлигига бевосита ва кучли …сир кўрсатади. Ушбу занжирли боғланиш, тижорат банклари кредитлаш …алиётини такомиллаштиришни тақазо қилади.

Республикамиз тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини кредитлаш …алиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. …публикамизнинг айрим банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами …дит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғинииг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. …салан, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб. ОАТБ "Агробанк"да муддати …ган кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 29,5 фоизни …кил этди. Шунингдек, баъзи тижорат банкларида, кредитларнинг банк …лалари умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилмоқда. Юқорида … этилган кредит портфелидаги камчиликлар қисқа муддатли кредитларга … бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банкларини қишлоқ …алигини кредитлаш жараёнини мўътадиллаштиришни тақозо этмоқда.

**…инг мақсад ва вазифалари:** Ўзбекистон Республикаси тижорат …ларининг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини …иллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб …идан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги …лар қўйилган:

- қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтсиодий моҳияти ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тижорат банкларининг роли;
- тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- тижорат банкларинингқишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини тадқиқ этиш ва умумлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш ва унга хос бўлган ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- тижорат банклари мижозларининг кредит тўлови қобилиятини баҳолаш тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;
- республикамиз тижорат банклари қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш;

– Ўзбекистон тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига моддий ресурслар кредитлаш амалиётини етказиб бериш ва сервис хизматларини амалга оширишдаги ролини асослаш ҳамда такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети:** тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва тижорат банклари ҳисобланади. Тадқиқот предмети тижорат банклари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш ва қайтариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларидир.

**Илмий ишнинг услуби услубий қўлланмалари:** Мазкур ишда статистик ва иқтисодий таҳлиллар қўлланилиб, асосан маркетинг услубларидан фойдаланилди. Бунда асосий эътибор ОАТБ "Агробанк" нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш операцияларини ўрганишдаги натижалари ва таҳлилларидан фойдаланилди.

**Магистрлик диссертациянинг амалий аҳамияти:** магистрлик диссертациянинг амалиётда қўлланилиши қўйидаги масалаларни ечишга олиб келади:

– ОАТБ "Агробанк"нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
– кредитнинг айланиш тезлиги ҳисобидан даромадлилик даражасини ошириш тижорат банклари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди;
– ОАТБ "Агробанк"нинг кредит портфелининг диверсификация даражасининг пастлиги ва унинг таснифланган кредитлар ҳажмига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги, қатор муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари таркибидаги салмоғининг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланди;
– ОАТБ "Агробанк"нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илмий ишнинг тузилиш ва ҳажми:**
Магистрлик диссертация иши таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 65 бетдан иборат бўлиб, унда 11 та жадвал ва 6 чизма мавжуд.

**Натижанинг эълон қилинганлиги:**
Тадқиқотнинг асосий мазмуни, илмий ғоя ва амалий тавсиялари умумий ҳажми 80 б.т. дан иборат бўлган 2 та илмий мақолада ўз аксини топган.

**Ишнинг қисқача хулосаси**: Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини кредитлаштириш жараёнида муаммоларии ҳал қилиш мақсадида қуйидаги амалий таклифларни ишлаб чиқдик:

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасининг камида 25 фоизини Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялашни жорий қилиш лозим.
- Қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг банк кредитлари фоиз ставкаларини субсидиялаш иаии, дунё тажрибаси кўрсаианидок, тўғридан-тўғри бериладиган давлат тўловларига нисбатан самаралирокдир.
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тижорат банклари томонидан факторинг ва форфейтинг кредитлаш шакллари орқали кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарига тижорат векселларини эмиссия қилиш ҳуқуқини бериш лозим.
- Қишлоқ хўжалигини кредитлаш билан шуғулланаётган тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, улар томонидан бир йилдан ортиқ муддага чиқарилаётган облигацияларнинг эмиссия ҳажмини ошириш ва инвесторларнинг мазкур облигациялардан оладиган даромадларини фойда (даромад) солиғидан озод қилиш лозим.

**Илмий раҳбар:** и.ф.н. доц. Насриев Б. ________________

**Магистрант:** Хамидова Ф. ________________

# ANNOTATION

**of magistrant of Samarkand Institute of Economics and Service Khamidova Farangiz on specialty "Banking" on the theme "Ways to improve agricultural crediting in commercial banks"**

**Relevance of the topic:** The process of agricultural crediting is one of the areas of commercial banks and its effectiveness has a direct and strong impact on the financial stability of banks. This chained link provides improving crediting practice of commercial banks.

The existence of a number of problems in crediting practice in commercial banks leads to deterioration of the loan portfolio. This contributes to lowering of solvency and liquidity of banks.

In practice of crediting by republican commercial banks the agriculture observed the existence of certain problems. In some commercial banks of the republic there is a tendency for share growth of total lending investments of overdue credits. For example, in some commercial banks, there is a decrease share of total bank assets.

Mentioned above disadvantages of the loan portfolio peculiar for short-term credits and their deep analysis require improvement of agriculture crediting process by commercial banks.

**Degree of scrutiny of the problem.** Problems of improving lending practices in the activities of commercial banks studied in scientific papers of foreign economists as O.Lavrushin, V.Kolesnikov, G.Panova, I.Mamonova, V.Usoskin, D.MakNoyun, E.Dolan, A.Simanovsky, J. Sinkey.

In scientific papers of mentioned above economists crediting practices of agriculture by commercial banks and the improvement of its main directions have not been studied as an object of a separate study. Relevance of the problem and its lack of research in the economics literature became the basis of the choice of this research topic.

**The purpose of research.** The purpose of the research is development of scientific proposals and practical recommendations to improve lending practices in agriculture of OATB "Agrobank".

**Tasks of the research.** Based on the purpose of the dissertation, determined the following tasks:

~ Social and economic essence of agriculture and the role of commercial banks in economic reforms;

~ the study of theoretical frameworks of lending practices of agriculture by commercial banks;

~ Research and generalization of the practice of agricultural lending by commercial banks;

~ Analyze the lending practices OATB "Agrobank" on agriculture and determine its inherent tendencies of development.

**Object of research** are certain farming sector and commercial banks, leading activities in agriculture in the Samarkand branch of OATB "Agrobank".

**Subject of research** is the financial relationship occurring in the lending and return process of production in agriculture by commercial banks.

**Methods of research.** In master thesis used the methods clustering, comparative and composite analysis.

**Scientific novelty of research.** Determined by developed research proposals and practical recommendations to improve lending practices of agriculture in OATB "Agrobank" Republic of Uzbekistan.

**Scientific and practical significance of the study.** Developed in the master thesis research proposals and practical recommendations can be used to provide direction on enhancing the practice of agriculture crediting in "Agrobank".

**Announcement of results.** According to the results of scientific work published two scientific articles and theses, including 2 theses in the collections of international scientific conferences.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**(ОАТБ "АГРОБАНК" МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА)**


Кириш....4

I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ РОЛИ .... 9

1.1. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти .... 9

1.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари томонидан куллаб-кувватлашни ахамияти .... 13

1.3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш орқали модернизация қилиш зарурияти.... 20

I-Боб буйича хулоса....26

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШ МУНОСАБАТЛАРИ .... 27

2.1. ОАТБ "Агробанк" Самарқанд вилоят филиали фаолиятида кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш омиллари .... 27

2.2. Фермер хўжаликларининг кредитга лаёқатлигининг таҳлили ва уни такомиллаштириш .... 33

2.3. Қишлоқ хўжаликларида ишлаб чиқаришни микрокредитлар орқали қўллаб-қувватлаш омилларининг таҳлили .... 35

II-Боб буйича хулоса ....39

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ .... 40

3.1. Кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилашда тижорат банкларни роли .... 40

3.2. Кишлоқ хўжалигига моддий ресурслар етказиб бериш ва сервис хизматларини амалга оширишда тижорат банкларнинг роли......................... 44
3.3. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва уни такомиллаштириш йўллари........................................................................ 46
III- Боб буйича хулоса ………………………………………………………...53
ХУЛОСА ................................................................................................... 54
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ............................................ 56

# Кириш

**Мавзунинг долзарблиги**: Қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёни тижорат банклари фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланиб, унинг самарадорлиги банклар молиявий барқарорлигига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Ушбу занжирли боғланиш, тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштиришни тақазо қилади.

Президентимиз И.А.Каримов кредитларни уч йил муддатида қайтарилишининг банклар ва уларнинг мижозлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, “Табиийки, биз орқа-олдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар мижозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин”[1].

Банк тизимидаги ислоҳотлар банкларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини кучайтиришга, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилашга имконият яратди. 2013 йилда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 8,8 ва 7,4 бараварга кўпайди ҳамда қишлоқ хўжалигига жойлаштирилган кредит қўйилмалари эса 6,1 бараварга кўпайди[2].

Тижорат банклари кредитлаш амалиётида қатор муаммоларнинг мавжудлиги кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса

---

[1] Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.– Т.: Ўзбекистон, 2005. –455 бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган. ОАКБ “Агробанк” нинг йиллик ҳисобот маълумотлари

банкларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигининг пасайишига сабаб бўлади.

Республикамиз тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикамизнинг айрим банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғинииг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб. ОАТБ "Агробанк"да муддати ўтган кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 29,5фоизни ташкил этди. Шунингдек, баъзи тижорат банкларида, кредитларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилмоқда. Юқорида қайд этилган кредит портфелидаги камчиликлар қисқа муддатли кредитларга хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банкларини қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнини мутъадиллаштиришни тақозо этмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари фаолиятида кредитлаш амалаётини такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчилар О.Лаврушин, В.Колссников, Г.Панова, И.Мамонова, Усоскин, Д.МакНоюн, Э.Долан, А.Симановский, Дж. Синкиларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳам банк тизимини ривожлантириш ва банклар фаолиятини эркинлаштириш билан боғлиқ масалалар Ш.Абдуллаева, С.Бержанов, О.Иминов, Т.Маликов, оркобилов, О.Намозов, О.Олимжанов, З.Холмахмедов, А.Қодиров, Қоралиевлар томонидаи тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тижорат банкларини қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари алоҳида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммони долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарли тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуни тадқиқот мавзуси сифатида олинишига асос бўлди.

**Магистрлик диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**. Тадқиқот иши Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти “Банк ва жамғарма иши” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Тадқиқотнинг мақсади ОАТБ «Агробанк»нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

- қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтсиодий моҳияти ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тижорат банкларининг роли;
- тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини тадқиқ этиш ва умумлаштириш;
- ОАТБ «Агробанк»нинг қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш ва унга хос бўлган ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

**Тадқиқот объекти** бўлиб, ОАТБ «Агробанк» Самарқанд филиалида қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган айрим фермер хўжаликлари ва тижорат банклари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** тижорат банклари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш ва қайтариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларидир.

**Тадқиқот методлари.** Магистрлик диссертация ишини ёзишда таққослаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил каби усулларидаи фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиётидаги илғор тажрибалардан мамлакатимиз банклари

фаолиятида ижодий қўлланилиши ўзининг ижодий натижаларини бериши амалий жиҳатдан исботланди;

- республикамизнинг ОАТБ “Агробанк” кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш мақсадида ҳар бир тижорат банки кредит қўйилмаларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланишига йўл қўймасликнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;
- банк мижозларининг аксарият қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйишнинг лозимлиги таклиф этилди;

**Ишнинг илмий янгилиги.** Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Агробанк”нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Магистрлик диссертацион тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

- ОАТБ “Агробанк”нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- кредитнинг айланиш тезлиги ҳисобидан даромадлилик даражасини ошириш тижорат банклари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди;
- ОАТБ “Агробанк”нинг кредит портфелининг диверсификация даражасини пастлиги ва унинг таснифланган кредитлар ҳажмига нисбатан салбий таъсирини мавжудлиги, қатор муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари таркибидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланди;

– ОАТБ “Агробанк”нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларинипг илмий ва амалий аҳамияти.** Магистрлик диссертациясида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ОАТБ “Агробанк”ининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Магистрлик диссертация ишининг материалларидан олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши” курслари ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни на натижалари “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк тизимининг роли” (2012, Самарқанд) халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган. Магистрлик диссертация Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти “Банк ва жамғарма иши” кафедраси илмий семинарида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг натижалари бўйича жами 2 та илмий мақола ва тезислар нашр қилиниб, шу жумладан халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида 2 та маъруза тезиси чоп этилган.

**Магистрлик диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 66 бет бўлиб, 11 та жадвал, 6 та расм ва 9 та иловаларни ўз ичига олган.

# БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ РОЛИ

## 1.1. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва кайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16,8 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

Ўтган 2007-2013 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси

ьминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2007 йилда 106,1 фоизни ташкил этган лса, 2013 йилда 106,8 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида шлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2007 йилдаги 21,7 фоиздан 13 йилда 16,8 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало мамлакатимиз тисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал вожланиб бораётгани билан изоҳланади (1.1-расмга қаралсин).




**-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (фоизда).**

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ иги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор лмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш да кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга лди.

нинг самараси ўлароқ, 2000-2013 йилларда дон етиштириш 2 рга яқин, картошка 3,1 баробар, сабзавот 3,2 баробар, мева 3,6

арта, гўшт ва сут 2,1 карра, тухум 3,4 баробар кўпроқ изнинг далилидир.

а таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ отлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини га эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан

расмдан кўриниб турибдики, ўтган 13 йилдан ортиқроқ сосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб га бўлган. Хусусан, 2013 йилда 2000 йилга нисбатан пахта гарига 22,6 центнердан 26,6 центнерга ёки 117,7 фоизга, осилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 осилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 қосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5




**кистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари игининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобидан.**

баробар, узум 2 марта, гўшт ва сут 2,1 карра, тухум 3,4 баробар кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Берилган 1.2-расмдан кўриниб турибдики, ўтган 13 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, 2013 йилда 2000 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 26,6 центнерга ёки 117,7 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 фоизга, сабзавот ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 фоизга ошган.




**1.2-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобидан.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикамиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2011 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева (250,4 фоиз), 35,1 кг узум (146,2 фоиз), 225 кг сабзавот (162,3 фоиз), 60,5 кг картошка (400,6 фоиз) ва 42,0 кг полиз маҳсулотлари (107,6 фоиз) етиштирилди.

1.1-жадвал

**Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг[3]**

| Маҳсулотлар тури | 1991 йил | 2013 йил | 2013 йил 1991 йилга нисбатан, фоиз да |
|---|---|---|---|
| **Мева** | 24,0 | 60,1 | 250,4 |
| **Узум** | 24,0 | 35,1 | 146,2 |
| **Сабзавот** | 138,6 | 225,0 | 162,3 |
| **Картошка** | 15,1 | 60,5 | 400,6 |
| **Полиз** | 39,0 | 42,0 | 107,6 |

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли республикамизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб борди. Жумладан,

[3]Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маъулмотлари

2013 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кг.дан 38 килограмм ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 килограммдан 239 килограммга ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 донага ёки 142,3 фоизга ошган.

## 1.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари томонидан куллаб-кувватлашни ахамияти

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мулкий ва таркибий ислоҳотлар;
- ердан фойдаланиш борасидаги ислоҳотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислоҳотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислоҳотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкий-таркибий ислоҳотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга муҳим эътибор қаратилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида 1999-2013 йилларда жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида 158738 та фермер хўжалиги ташкил этилган эди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2013 йиллар давомида ўтказилган ислохотлар жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мувофиклаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;
- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;
- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;
- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2013 йил якунига кўра, республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 66134 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлмоқда

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғликдир. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ислоҳотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;
- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;
- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юридик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;
- "Микрокредит"лар берилганда, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

– янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжаликларига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;

– давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли ставка билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003-2013 йилларда республикамизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 миллиард сўмдан 2013 йилда 1 598,8 миллиард сўмга ошди (1.3-расм).




**1.3-расм. Ўзбекистонда 2003-2013 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, миллион сўмда**

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси тижорат кредитлари фоиз ставкасидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланади:

- янгидан ташкил этилган, пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди;
- фермер ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан, хорижий техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалар учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ, чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида ҳарид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига

эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармонига асосан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хомашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари оширилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бирмунча юқори эканини инобатга олган ҳолда, нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2013 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403 315 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олиши учун янги имкониятлар очади.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий

этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, шартнома асосида белгиланмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги "Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-725-сонли Қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, балл бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2009 йилдаги 60 миллиард сўмдан 2013 йилда 160 миллиард сўмга ошди.




**1.4-расм. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджетидан ажратилаётган субсидиялар қиймати, миллиард сўмда.**

Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда.

### 1.3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш орқали модернизация қилиш зарурияти

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни кредитлаш орқали модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига асос солди. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни кредитлаш негизида қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар

комплексини ишлаб чиқиш вазифасини муҳим деб эътироф этиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банкларини ролини оширилишини муҳим деб эътироф этилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;
- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробари, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;
- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;
- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий мини технологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2013 йилнинг кузи ва 2014 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш реконструкция қилиш белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида ир меъёрда таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга ўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон еспубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли арорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-абзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 инг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг онна сиғимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда утилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш азифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва рригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг атижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги ıўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-00 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив олатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб елди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан акомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли армонига мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. астурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш амда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги адбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

. Магистраль ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишш.
3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда кредит ресурсларини жалб этилиши қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишга замин яратди. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2013 йилнинг ўзида 1571 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 753 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир.

Кредит ресурсларига таянилган ҳолда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Тижорат банклари кредит ресурслари ёрдамида натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурсларни тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 та трактор, 3960 та трактор тиркамаси, 3603 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган.

ОАТБ “Агробанк” Самарқанд вилоят филиали томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида банк томонидан ажратилган кредитлар салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда, бу борада амалга оширилаётган ишлар хақидаги малумотлар диссертация ишининг 1-, 2- иловаларида келтирилган. Жумладан иловадаги жадваллар малумотларини тахлил этадиган бўлсак 2014 йилда 2013 йилга нисбаттан тармоқларга ажратилган жами кредитларнинг сони 1544 тага ошган бўлса, умумий миқдори 66 067 млн сўмга ошганлигини асослайди

# I боб буйича хулоса

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрда таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга бўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Хулоса килиб айтсак , мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги амалий таклифларни ишлаб чиқдик:

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасининг камида 25 фоизини Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялашни жорий қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тижорат банклари томонидан факторинг ва форфейтинг кредитлаш шакллари орқали кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарига тижорат векселларини эмиссия қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

## II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШ МУНОСАБАТЛАРИ

### 2.1. Тижорат банклари фаолиятида кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш омиллари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ортиши қисқа муддатли ёки узоқ муддали кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

2.1-жадвал

**Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитлар динамикаси[4]**

| Кўрсаткичлар | 2007 й | | 2008 й | | 2009 й | | 2010 й | | 2011 й | | 2012 й | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | сумма млрд. Сум | % | сумма млрд. сум | % | сумма млрд. сум | % | сумма млрд. сум | % | сумма млрд. Сум | % | сумма млрд. сум | % |
| Кредитлар жами | 2630,3 | 100 | 2781,4 | 100 | 3197,4 | 100 | 3655,1 | 100 | 4095,4 | 100 | 4757,4 | 100 |
| Қисқа муддатли | 499,8 | 19 | 500,7 | 18 | 575,5 | 18 | 657,9 | 18 | 769,9 | 18,8 | 1044,4 | 21,9 |
| Узоқ муддатли | 2130,5 | 81 | 2280,7 | 82 | 2621,9 | 82 | 2997,2 | 82 | 3325,5 | 81,2 | 3713,0 | 78,1 |

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007-2012 йилларда республикамиз банклари томонидан берилган кредитлариинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати барқарорлигича қолган. Лекин 2012 йилда қисқа муддатли кредитларнинг кредит қуйилмалари умумий ҳажмидаги салмоғи 2007 йилга нисбатан 2,9 фоизли пунктга ошган. Бу эса, корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланишида банк кредитларидан фойдаланишни сезиларли даражада ўсганлигидан далолат беради.

---

[4]Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Муддати ўтган кредитлар муаммосининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, барқарор нисбатнинг мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон Респуликасида муддати ўтган кредитлар муаммоси мавжуд бўлиб, у узоқ муддатли кредитларга тегишлидир. 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига, республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи 17 фоизни ташкил қилди.

Тижорат банкларининг кредит қуйилмаларинн самарали жойлаштириш устун даражада банкларни кредит портфелини тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилганлигига бевосита боғлиқдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидаги жадвал оркали ОАТБ"Агробанк"га берилган кредитларни тармоқ хусусияти бўйича жойлаштирилганлигини таҳлил қиламиз (2.3-расм).

2.3-расм

**ОАТБ "Агробанк" кредит портфелининг тармоқ хусусияти[5]**

| Тармоқлар | 2007 й | 2008 й | 2009 й | 2010 й | 2011 й | 2012 й |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Саноат | 29,9 | 37,9 | 38,9 | 29,1 | 23,3 | 18,2 |
| Қишлоқ хўжалигига | 24,1 | 22,1 | 25,0 | 31,7 | 33,8 | 38,0 |
| Моддий-техника таъминоти | 16,4 | 17,0 | 16,4 | 18,7 | 24,5 | 20,3 |
| Савдо | 8,0 | 8,8 | 8,2 | 8,0 | 5,1 | 4,8 |
| Қурилиш | 1,4 | 0,9 | 1,5 | 1,2 | 2,2 | 3,3 |
| Транспорт | 0,5 | 0,4 | 0,3 | 0,5 | 0,2 | 0,3 |
| Бошқа тармоқлар | 19,7 | 12,9 | 9,7 | 10,8 | 10,9 | 15,1 |
| ЖАМИ | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

[5]ОАТБ "Агробанк"нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобланган

2.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ОАТБ“Агробанк” кредит портфелида саноат, қишлоқ хўжалиги ва моддий-техника таъминоти тармоқларига берилган кредитлар етакчи ўринни эгаллайди. Моддий-техника таъминоти алоҳида тармоқ ҳисоблансада, амалда қишлоқ хўжалигининг моддий техника таъминоти билан боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви моддий техника таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. 2012 йилда саноат корхоналарига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоги 2011 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалигига берилган кредитлар салмоғининг мазкур давр мобайнида 4,1 фоизли пунктга ўсганлиги билан изоҳланади. Кредитларнинг асосий қисми бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга жойлаштирилган. ОАТБ “Агробанк” томонидан бериладиган кредитлар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи “Ўзпахтасаноат”, “Ўзагромашсервис”, “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖлари, “Ўзбек ипаги” уюшмалари ва бошқа корхоналарга ажратилган.

ОАТБ “Агробанк” томонидан бир неча фаолият тури билан шуғулланувчи хусусий корхоналарга берилган кредитлар бошқа тармоқларга берилагн кредитлар хажмида ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун бошқа тармоқларга берилган кредитларнинг 6анк кредит портфелидаги салмоғи юқорилигича қолмоқда. Масалан, 2013 йилнинг 1январь ҳолатига ОАТБ “Агробанк” томонидан хусусий корхона ва корпорацияларга берилган кредитлар 14690 млн. сўмни ташкил қилди. Бу эса, банк кредит портфелини 21,0 фоизини ташкил қилади.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узоқ муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Таҳлиллар кўрсатишича қисқа муддатли кредитлар узоқ муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

2.4- жадвал

**ОАТБ"Агробанк" кредит портфелида кредитларнинг муддати бўйича таркибий таҳлили[6]**

| Тармоқлар | 2007 й | 2008 й | 2009 й | 2010 й | 2011 й | 2012 й | 2012 йилда 2007 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Кредитлар жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | |
| *шу жумладан* | | | | | | | |
| Қисқа муддатли | 31 | 28,3 | 34,6 | 38 | 42 | 35,5 | 4,5 |
| Узоқ муддатли | 69 | 71,2 | 65,4 | 62 | 58 | 64,5 | - 4,5 |

2.4-жадвал маъдумотларидан кўринадики, ОАТБ"Агробанк"да 2007-2012 йилларда қисқа муддатли кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин. Ушбу тендециянинг вужудга келиши 2007-2012 йилларда узоқ муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш суръатларига эга бўлганлнгининг сабаби шундаки, биринчидан, қисқа муддатли кредитлар тез айланиши хусусиятига эга, иккинчидан, Республикамиз тижорат банклари депозитларининг аксарият қисмини қисқа муддатли депозитлар ташкил қилади.

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Унинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Агар ушбу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфелини сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинадигаи фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини англатади. Ушбу масала хусусида олима Ш.Абдуллаеванинг «Банк рисклари ва кредитлаш» номли

---

[6] ОАТБ "Агробанк"нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

монографиясида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши – кредит рискинипг даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади деб таъкидланган. Гарчи кредитлар бўйича ҳосил қилинган заҳиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарсада, банкнинг тўлов қобилиятига тўғридан-тўғри хавф солади. Кредитларнинг юқори рисклилик даражаси банкнинг ўз маблағларинн маълум қисмини йўқотилишига олиб келиши мумкин[7].

Бизнинг фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит рискига қарши ҳосил килинган заҳиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикамиз банк амалиётидаги реал воқеликни ўзида мужассам эттирган.

Қиска муддатли кредитларга бўлган талабга таъсир қилувчи омиллардан бири уларнинг фоиз ставкалари ҳисобланади. Фоиз ставкалари кредитларнинг баҳоси ҳисобланади, шу сабабли уларнинг ўзгариши кредит маблағлари харакатига бевосита таъсир кўрсатади. Биз қуйидаги 2.5-жадвал маълумотлари орқали ОАТБ “Агробанк” томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари динамикасини кўриб чиқамиз.

2.5-жадвал

**ОАТБ “Агробанк” томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари[8]**

| Тармоқлар | 2007 й | 2008 й | 2009 й | 2010 й | 2011 й | 2012 й |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси | 30 | 22 | 18 | 18 | 16 | 16 |
| Узоқ муддатли кредитларнинг ўртача | 30 | 22 | 18 | 18 | 15 | 14 |

[7]Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. Б. 137-138
[8]ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

2.5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007-2012 йилларда ОАТБ "Агробанк" томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари 29-30 фоиз даражасида бўлган. Фоиз ставкаларининг бу қадар юқори бўлишининг муҳим сабабларидан бири Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг мазкур даврда юқори бўлганлиги ҳисобланади.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 32,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 14,0 фоизни ташкил қилди.

ОАТБ "Агробанк" томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг 2008 йилдан бошлаб 2013 йилга қадар кескин пасайиш тенденциясига эга бўлгани куйидаги омиллар билан изохланади:

1. Марказий банкни қайта молиялаш ставкасинииг2008-2012 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги (Марказий банкни қайта молиялаш ставкаси 2008 йилда 27,1%, 2009 йилда 18,8%, 2010 йилда 16,0%, 2011 йилда 14,0%, 2012 йилда 14,0%ни ташкил қилди);
2. Инфляция даражасининг таҳлил килинган йилларда пасайиш суръатларига эга бўлганлиги.

Ўзбекистон Республикасида 2007 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 21,6%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6,8%ни ташкил қилди.

Қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги уларга бўлан талабнинг доимий равишда ошиб боришига сабаб бўлади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг кисқа муддатли банк кредитига бўлган эхтиёжни тўларок қондириш имконияти юзага келади.

## 2.2. Фермер хўжаликларининг кредитга лаёқатлигининг таҳлили ва уни такомиллаштириш

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида фермер хўжалигининг кредитга лаёқатлилик ҳолати ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар кредит беришда эътибор қилинадиган асосий манбалардан бири бўлиб қолди. Чунки, тижорат банклари ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унииг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

Кўриб чиқилаётган масалани ёритиш мақсадида биз Самарқанд вилояти туманидаги "Истиқлол"фермер хўжалиги маълумотларини ўргандик. 2009-2013 йилларда хўжалик асосий кўрсаткичлар бўйича яхши ривожланиб келмоқда. Умуман олганда, хўжалик ўз ишлаб чиқариш фаолиятини юритиб, ўз мажбуриятларини тўлаб бормоқда. Бу ҳолат унинг кейинги фаолиятига ҳам ижобий қараш имкониятини беради.

Бундан ташқари хўжаликиинг олган ва қайтарган кредитлари миқдори ва муддатини ўрганиш керак деб ҳисоблаймиз (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

**"Истиқлол" фермер хўжалигининг 2009-2013 йилларда олган ва қайтарган кредитлари тўғрисида маълумот**

| Йиллар | Кредит сарфланадиган мақсад | Кредит миқдори, жами | Изоҳ | |
|---|---|---|---|---|
| | | | *Ўз вақтида қайтарган* | *Ўз вақтида қайтармаган* |
| 2009 | Хўжалик фаолиятига | 114723 | + | - |
| 2010 | Хўжалик фаолиятига | 154664 | + | - |
| 2011 | Хўжалик фаолиятига | 168713 | + | - |
| 2012 | Хўжалик фаолиятига | 123713 | + | - |
| 2013 | Хўжалик фаолиятига | 137815 | + | - |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалиги жами олган кредитларини ўз вақтида қайтарган. Бу эса хўжаликнинг тўлов интизоми бўйича ўта ишончли мижоз эканини билдиради.

Шундан сўнг хўжаликнинг келгусидаги режа маълумотлари чуқур ўрганилади. Мисол учун режа маълумотлари тўғри тузилганми, илмий асосига эгами, шу натижаларга эришса бўладими каби саволларга жавоб топилади. Натижавий кўрсаткичларни кредит ва уни фоизини тўлашга етарли ёки етарли эмаслиги кўриб чиқилади (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

**"Истиқлол" фермер хўжалигинннг 2013 йилдаги бизнес режамаьлумотлари (молиявий натижа бўйича)**

| № | Кўрсаткичлар | Ўл. бир. | Режа |
|---|---|---|---|
| 1 | Сотиш тушуми, жорий нарх | минг сўм | 277821,5 |
| 2 | Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | минг сўм | 200041,6 |
| 3 | Ялпи фойда | мнг сўм | 77779,9 |
| 4 | Соф фойда | Мингсум | 97346,0 |

Жадвал маълумотларидан кўринадики, фермер хўжалигининг эришадиган молиявий натижаси ушбу йилда тўлайдиган кредит суммаси ва фоизига етади.

## 2.3. Қишлоқ хўжаликларида ишлаб чиқаришни микрокредитлар орқали қўллаб-қувватлаш омилларининг таҳлили

Қишлоқ хўжалик субъектлрининг асосини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил келмоқда. Уларда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиб келинмоқда:

кредит қайтарилишининг гаров, суғурта ва бошқа кафолатларини тақдим этиш шарти билан деҳқон ва фермер хўжаликлари эгаларини имтиёзли кредитлаш;

янги ташкил этилган деҳқон иа фермер хўжаликларига уларнинг дастлабки (бошланғич) капиталини шакллантириш учун 3 йилгача муддатга кредитлар бериш;

ташкил этилаётган, ДФХА таркибига кирадигаи кичик корхоналарни қайтариб бериш асосида айланма маблағлар билан таъминлаш;

деҳқон ва фермер хўжаликларининг мулки олинаётган чет эл микрокредитларини гаров билан таъминлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг устав фондларини шакллантиришда улуш қўшиб қатнашиши орқали амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги таркибидаги Иш билан бандликка ёрдамлашиш давлат фонди (ИБЁФ) иш жойларини сақлаш ва янгиларини яратиш мақсадида кредитлар бермоқда. ИБЁФ маблағлари корхоналар,муассаса ва ташкилотларнинг Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (МҲТФ)дан ажратмалари ҳисобидан шакллантирилиб келинмоқда. 2002 йилдан бошлаб ИБЁФ линияси бўйича микрокредитлашнингустувор йўналиши кам таъминланган оилалар орасида оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилиб келинмоқда.

2010 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда Фонд кредитларининг умумий ҳажми 160 млрд. сўмни ташкил этиб, шулардан 14%и (22,4 млрд. сўми) микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади. Фонд маблағларидан бериладиган микрокредитлардан фойдаланган мижозлар сони анча ўсиб,

тахминан 8 мингкишини[9] ташкил қилган бўлсада, унда микрокредитларнинг ўртача миқдори 0,9 млн. сўмни ташкил қилди.




Иш билан бандликка ёрдамлашиш фонди линияси бўйича бериладиган кредитлар динамикаси[10] 2.4-расм




Иш билан бандликка ёрдамлашиш фонди линияси бўйича бериладиган кредитлар динамикаси[11] 2.5-расм

[9] 2013 йил май ойидаги ҳолатига кўра.

[10] Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

[11] Уша ерда

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар йили қолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни узади, микрокредит ресурслари кўпроқ жойлаштириладиган туманларни елгилайди.

2014-2015 йилларда республиканинг меҳнат бозорида вазият танг ўлиб турган 52 та туманига28,8 млрд. сўм миқдорида кредит ресурслари, шу қумладан 15,4 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш ұўлжалланмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатадики, бюджетдан ташқари фондларнинг ликрокредитлари қишлоқ хўжалик фаолияти учун (айниқса чорвачиликни ривожлантиришда) ва бошланғич капитални шакллантириш учун айниқса қозибалидир. Бюджетдан ташқари фондлар кредитларининг устунлик қиҳатлари очиқ кўриниб турибди: паст фоиз ставкаси[12], кредитни накд пул илан олиш мумкинлиги, кредитлаш муддати узоқлиги ва катта имтиёзли қавр. Айни вақтда бюджетдан ташқари фондлар кредит линияларининг луаммоли жиҳатларига қуйидагилар киради:

- Чекланганлик. Кредит ресурслари чекланган ва улар камайиб бормоқда (ИБЁФга МҲТФдан ажратмалар ставкаси 2012 йилдаги 1,5%дан 2013 йилда 0,5%гача камайганлиги муносабати билан). Қисқариб бораётган имкониятлар Фонд маблағларини бошқа манбалардан бериладиган кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти чекланган туманларда оилавий бизнесни ривожлантиришга янада аниқроқ қаратишни талаб қилмоқда;

[12] Бошланғич капитални шакллантиришга фоиз ставкаси - МБ амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми; деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтиришга, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишга, фермерлик иншоотларини қуришга қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми; хом ашё ҳамда материалларни ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашга, маҳаллий саноатни ривожлантиришга қайта молиялаш ставкасининг 40%и, бошқа мақсадларга қайта молиялаш ставкасининг 45%и миқдорида белгиланади. Шу билан бирга ИБЁФ ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-кувватлаш фондининг кредит линиялари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли ставканинг 50%и миқдорида белгиланади. Бошқа кредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли ставканинг 45%и миқдорида белгиланади.

## II- Боб буйича хулоса

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида фермер хўжалигининг кредитга лаёқатлилик ҳолати ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар кредит беришда эътибор қилинадиган асосий манбалардан бири бўлиб қолди. Чунки, тижорат банклари ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унииг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш билан шуғулланаётган тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, улар томонидан бир йилдан ортиқ муддага чиқарилаётган облигацияларнинг эмиссия ҳажмини ошириш ва инвесторларнинг мазкур облигациялардан оладиган даромадларини фойда (даромад) солиғидан озод қилиш лозим.

Бир йилдан ортиқ муддатга чиқарилган облигацияларни муомалага чиқарилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг узоқ муддатли кредитларга бўлган талабини сезиларли даражада қондириш имконини беради. Чунки ҳозирги даврда республикамизнинг қишлоқ хўжалигига бевосита кредитлаш билан шуғулланаётган тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги мавжуд.

# III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГАСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

## 3.1. Кишлок хужалигини ривожлантиришнинг истикболли йуналишларини белгилашда тижорат банкларининг роли

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда тижорат банкларини асосий эътибори иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастурида ҳам энг муҳим йўналишларни ҳал этишда тижорат банкларини роли ўз аксини топган. У ўз ичига қуйидагиларни олган:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив

ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Бундай ишларни амалга оширишни имтиёзли кредитсиз таъминлаб бўлмайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- наслчиликни тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

- ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармокда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

- давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;
- пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги учун техника, эхтиёт қисмлар, наслли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;
- қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

– унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

10. Агротехника фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

– атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигида ген муҳандислиги борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

– экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

– хориждан келтирилган наслли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, парранда ва пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида ҳар қандай ислоҳотларни амалга оширишда тижорат банкларидан бериладиган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятни касб этади.

## 3.2. Кишлок хужалигида моддий ресурслар етказиб бериш ва сервис хизматларини амалга оширишда тижорат банкларининг роли

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги " 2012-2016 йилларда Узбекистон Республикасида хизмат курсатиш сохасини ривожлантириш дастури тугрисида "карори доирасида якин 5 йил мобайнида барча хизматларнинг солиштирма огирлиги ЯИМ даги улушини 55% га етказиш белгилаб куйилди.Мазкур дастур хизмат курсатиш сохасини жадал ривожлантириш , авваламбор кишлок жойларда курсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш хамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамалакат иктисодиётини баркарор ва жадал ривожлантириш ,ахолии бандлигини таъминлаш,даромадини купайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат курсатиш сохасининг роли хамда ахамиятини ошириш максадида кабул килинди.

Дастурда келтирилишича хизматларнинг Узбекистон ЯИМ даги улуши 2012 йилда 52%ни, 2013 йилда -52,5%ни, 2014 йилда 53%ни,2015 йилда 54%ни ва 2016 йилда-55%ни ташкил этиши белгиланган.

Янги дастур 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички махсулотида хизмат курсатиш сохасининг улушини боскичма-боскич оширилишини назарда тутадиган 2012-2016 йилларда Узбекистон Республикаси буйича хизмат курсатиш сохасининг асосий турларини ривожлантиришнининг максадли параметрларини уз ичига камраб олади ва хизмат курсатиш сохаси Республикада энди асосий турларни ташкил килади.Булар :алока ва ахборотлаштириш ,компютерни дастурлаштириш ,молия (банк,сугурта хизматлари ва молиявий лизинг ) транспорт ,курилиш ,технологик ускуналарга техник хизмат курсатиш ва уларни таъмирлаш буйича , кишлок согликни саклаш, туристлик , маиший ва бошка хизмат турлари киритилган.

Дастурга мувофик « Агробанк» ОАТБ 2012-2016 йилларда хизматлар сохасини ривожлантиришга 189,942 млрд сумлик имтиёзли кредитларни

дим этади.Хусусан ,банк 2012 йилда 21,18млрд.сум, 2013 йилда -27, 594 рд .сум, 2014 йилда 35,59 млрд.сум ,2015 йилда-45,9 млрд.сум ва 2016 йда -59,66 млрд.сум микдорида кредит маблагларни ажратади. Хужжатда д этилишича ажратиладиган имтиёзли кредитлар хизматлар сохасида янги ектларни барпо этишга хамда хизматлар курсатишга ихтисослашган жуд тадбиркорлик субъектларини техник ва технологик жихозлашга йта жихозлашга ) йуналтирилади. Кейинги йилларда хизмат курсатиш асининг ажралмас кисми кредит ресурслари билан хизматлар хам тез атларда усиб бормокда.

ОАТБ “Агробанк” Самарқанд вилоят филиали томонидан 2014 йил 1 ар холати маълумотларини тахлил этадиган бўлсак хизмат кўрсатиш ва вис хизматларини қишлоқ хўжалигида кредитлаш бўйича амалга ирилган ишлар тўғрисида “ОАТБ “Агробанк” Самарқанд вилоят филиали онидан 2014 йилда тадбиркорлик субектларига хизмат кўрсатиш асини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар”ги маълумотлар сертациянинг 9- иловасида келтирилган.

двал малумотлари шуни кўрсатадики, банк ва унинг туман филиаллари онидан тадбиркорлик субектларига хизмат кўрсатишва сервис матлари учун асосан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, алоқа матлари, маиший хизматлар кўрсатиш, қурилиш ва техник хизматлар сатишга кредитлар ажратилган.

. **Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва и такомиллаштириш йўллари**

Кредит операциялари банк даромадлилигининг асосини ташкил увчи фоизли даромад манбаи бўлиш билан бирга, банк даромадига салбий ьсир доираси юқори бўлган операцияларидир. Шунинг учун ҳам банкларда едит муносабатлари сифатини орттириб бориш муҳим ҳисобланади. нки, кредит муносабатларининг самарали якунланиши нафақат кредит шкилотлари фаолиятида даромадлилик ортиб боришига олиб келади, балки шлоқ хўжалиги тизими фаолияти узвийлигини таъминлаб жамиятда тисодий ўсишга замин яратади. Бу эса банк-молия хизматлари бозорида нк ва бошқа кредит ташкилотлари мавқеининг мустаҳкамланиб боришини ьминлаб, қишло хўжалиги корхоналари доирасида мижозлар сафини нгайтириш учунарзон ва сифатли хизматларни таклиф эта олиш кониятини яратади.

Бу борада ОАТБ “Агробанк” Самарқанд вилоят филиали ва унинг ман бўлимлари томонида ажратилаётган бирқатор кредитлар хақида лумотлар жадвал тарзида 3-4-5-6-7- ва 8-иловаларда келтирилган.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнининг банкларда тўғри ташкил илиши кредит самарадорлигига ижобий таъсир этиб, банк даромадининг ишини таъминловчи ва қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятини рувчи бош омил ҳисобланади. Бу омил айни вақтда ОАТБ “Агробанк” димларининг қай даражада масъулиятбилан ўз вазифаларига дашишларига, уларнинг маҳорат ва малакаларига, шунингдек, қарз увчининг ҳам кредит муносабатига қай даражада масъулият билан дашишига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг кредит амалиётлари самарадорлигини ошириш нан кредит муносабатларида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва нк даромадлилигигауларнинг салбий таъсир доирасини камайтиришга дам беради. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнларида зага келаётган салбий омиллар таъсирини бартараф этиш юзасидан амалий

лифлар ишлаб чиқиш ва кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш ҳим вазифа ҳисобланади.

Кредитлаш муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи иллар сифатида 2.1-расмда келтирилган омилларни кўрсатиб ўтиш мкин.




**2.1-расм. Қишлоқ хўжалигининг кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар**

Қишлоқ хўжалигини кредит самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш учун қуйидаги тадбирларни банкларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг шакл ва усулларини тадбиқ этишда, шунингдек, қарздорнинг кредитга лаёқатлилигини атрофлича баҳолашни такомиллаштириш;
- банк кредит қўмиталари қарорларини сифат жиҳатдан яхшилашга эришиш;
- қишлоқ хўжалигининг кредит муносабатларида мижоз манфаатларига эътибор қаратиш ва шартнома шартларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;
- қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилишини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигининг кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашга эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш самарадорлигининг кескин пасайиб бориши ўз навбатида кредит рискларининг юзага келтириб чиқариши, бу риск эса ўз навбатида даромадни камайишига, тўлов қобилиятини йўқотиб қўйиш (банкротлик) каби банк фаолияти учун хавфлилик даражаси юқори бўлган рискларни келтириб чиқариши мумкин. Инвентаризация натижасига қараб, фоиз тўловларини ўз вақтида бажара олмаётган мижозлар гуруҳини кредит ва даромад ололмай қолиш риски сифатида баҳоланиб, рискдан муҳофазаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Юқоридаги келтирилган тадбирлар сифатида, айни пайтда ҳудудий тижорат банкларни рисклардан муҳофазалаш, бошқариш тизимини ташкил этиш зарур. Банклар фаолиятида даромадлиликка таъсир этаётган мазкур муаммоларни бартараф этиш орқали даромадлиликни ошириш ва хусусий сектор субъектларининг бўш пул маблағларини жалб этиш учун замин яратади. Мазкур тадбирларни амалга ошириш, банк фаолиятига қишлоқ хўжалигини кредитлашга таъсир этувчи барча рисклардан ва энг асосийси кредит рискларидан муҳофазаланиш имкониятини беради.

Шундай қилиб айтиш жоизки, қишлоқ хўжалигини тижорат банкларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи зарурий шарт-шароитларнинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги.

